# Халқ сўзи

Ўзбекистон – келажаги буюк давлат

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган ● http://xs.uz ● E-mail: Info@xs.uz ● 2013 йил 9 январь, № 5 (5679) Чоршанба


**Янгиликлар, воқеалар,**

*хабарлар*

*Қумқўрғон туманидаги "Сурхон пармалаш ишлари" ОАЖ раҳбари Исмоил Рўзмонов ҳамда корхона муҳандиси Худойберди Ўриновнинг узоқ йиллик тадқиқотларидан сўнг бурғилаш эритмасини тайёрлашда фойдаланиладиган барит ёки гематит хом ашёси ўрнини босувчи модда кашф этилди.*

## Муҳандислар ихтироси

Ушбу ихтиро корхонага катта иқтисодий самара келтирмоқда. Ҳисоб-китобларга кўра, 1 тонна барит ёки гематит хом ашёсини мамлакатимизга келтириш учун 300 АҚШ доллари миқдорида маблағ сарфланади. Мазкур корхона эҳтиёжи учун эса ҳар йили 500 тонна ана шундай хом ашё зарур бўлади.

— Мамлакатимизда пармалаш ишларини бажарадиган 22 та турдош корхона фаолият кўрсатмоқда, — дейди Исмоил Рўзмонов. — Баъзан бу корхоналарда хориждан зарур хом ашё келиши ойлаб кутилади. Ниҳоят муаммо ечими топилди. Бунинг учун Бекобод металлургия заводига келтирилган темир-терсакларни майдалашдан чиқадиган қириндилар Ангрен цемент заводининг тош майдалаш цехидан ўтказилди. Натижада барит ёки гематитникидан қолишмайдиган тупроқдек майин бурғилаш эритмасини тайёрлашга муваффақ бўлдик.

Таъкидлаш керакки, корхона пармаловчилари окалин хом ашёсидан фойдаланиш эвазига йилига 110 миллион сўмни тежашга эришдилар.

**Н. ТЕМИРОВ,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**

## Ташаббус ва муваффақият

*Банк томонидан ажратилган 180 миллион сўмлик имтиёзли кредит "Диёрбек, Гулноза ва Муштарий" хусусий корхонаси раҳбари Нурали Сайфиевга ўз бизнес лойиҳасини рўёбга чиқариш имконини берди.*

Ғиждувонлик тадбиркор қаровсиз ерни ободонлаштириб, замонавий нновойхона барпо этди. Натижада 12 киши ишли бўлди. Ҳозир хориждан харид қилинган илғор печда кунига икки минг дона қолипли нон тайёрланиб, истеъмолчиларга етказиб берилаяпти. Ишбилармонлик соҳасидаги дастлабки муваффақиятидан руҳланган тадбиркор эндиликда сутни қайта ишлаш цехини ҳам ишга тушириш тараддудида.

**И. ИБРОҲИМОВ,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**

## Замонавий технология шарофати

*Жиззах шаҳридаги "Мир-Улуғбек-МХ" масъулияти чекланган жамиятида бир миллиард 150 миллион сўмлик модернизация ишлари амалга оширилиб, пайпоқ ишлаб чиқариш ўзлаштирилди.*

— Янги қувватни ишга тушириш учун хориждан энг замонавий технологияларни олиб келиб ўрнатдик, — дейди жамият раҳбари Мирзаали Оқилов. — Натижада йилига 2 миллион дона маҳсулот тайёрлаш имконияти юзага келди. Маҳсулот маҳаллий хом ашё — пахта толасидан тайёрланаётгани боис арзон ва харидоргир. Айни пайтда корхонамизда 56 нафар хотин-қиз 3 сменада меҳнат қилмоқда. Уларнинг асосий қисми коллеж битирувчиларидир.

Айтиш жоизки, вилоятда ўтган йили кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни молиявий қўллаб-қувватлаш мақсадида тижорат банклари томонидан 5059 та тадбиркорлик субъектига 141,3 миллиард сўмлик кредит маблағлари ажратилди.

**У. АДИЛОВ,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**



# Тиббиётимизнинг юксак самаралари

### халқаро миқёсда ҳам юқори баҳоланмоқда

*Саломатликни асраб-авайлаш — бахтли ва хотиржам ҳаёт кечиришнинг энг асосий шартларидан биридир. Зеро, танимиз соғ, руҳимиз тетик экан, ҳаёт завқини туйиб яшаймиз, эзгу ва хайрли ишларга бош қўшамиз.*

**Ислоҳот**

Биласиз, бир қарашда оддий туюлган ушбу ҳақиқатни ҳамма ҳам бирдек теран англаб етавермайди. Боши ёстиққа теккачгина соғлиғининг қадрига етадиган, хасталикни енгиш ҳақида ўйлай бошлайдиганлар орамизда йўқ, дея олмаймизда, ахир! Яхшики, мана шундай вазиятда беморнинг жонига оро кирувчи фидойи касб соҳиблари — шифокорлар бор. Бугун уларнинг билими, тажрибаси, маҳорати ва саъй-ҳаракати билан юзлаб кишилар асоратли хасталиклардан фориғ бўлиб, соғлом ҳаёт кучоғига қайтмоқда.

Академик В. Воҳидов номидаги Республика ихтисослаштирилган хирургия марказида ҳам ана шундай юксак малакали мутахассислар фаолият кўрсатади. Марказда хасталикларни кечиктирмай аниқлаш ва жарроҳлик йўли билан самарали даволаш борасида изчил изланишлар олиб борилмоқда. Бу ерда жигар циррози, қизилўнгач, меъда, ўпка, туғма ва орттирилган юрак пороги ҳамда юрак-ишемик хасталикларини даволаш учун илғор технологиялар воситасида жарроҳлик амалиётлари бажарилади.

Маълумки, ўтган йили марказ қошида янги Кардиожарроҳлик мажмуи фаолият бошлади. Президентимиз мазкур мажмуанинг очилишида иштирок этиб, шифо муассасаси билан яқиндан танишиш чоғида амалга оширилаётган бу каби эзгу саъй-ҳаракатлар замирида, энг аввало, инсон омили мужассам эканлигини алоҳида қайд этди. Юртбошимиз таъкидлаганидек, мамлакатимизда жарроҳлик соҳасини янада тараққий топтириш учун кадрлар тайёрлаш, мутахассислар малакасини ошириш, хорижий ҳамкорлар билан алоқаларни янада мустаҳкамлаш ҳар жиҳатдан зарурдир.

— Бугун марказда ана шундай долзарб вазифаларни изчиллик билан амалга оширишга алоҳида эътибор билан ёндашилмоқда, — дейди Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлигининг бош кардиожарроҳи Шерзод Алиев. — Айниқса, янги мажмуанинг очилиши жарроҳлик амалиётлари сони ва сифати янада ошишига сабаб бўлди. Авваллари марказда йилига 800 та мураккаб амалиёт бажарилган бўлса, айни пайтга келиб, бундай муолажа усуллари 1500 тага етди. Мазкур жарроҳлик услубларининг аксарияти сунъий қон айлантириш ускунаси ёрдамида, яъни ўта мураккаб усулда амалга оширилмоқда.

Чиндан ҳам, бугун Кардиожарроҳлик мажмуида туғма ва орттирилган юрак пороги, ишемик хасталикларни даволаш бўйича ижобий натижаларга эришилаяпти. Хусусан, юрак шохтомирлари фаолиятини тиклаш, яъни беморнинг бошқа аъзосидаги соғлом томирни юракнинг хасталанган қон томири ўрнига қўйиш, юрак бўшлиғи қисқаришидаги муаммоларни бартараф этиш каби ноёб жарроҳлик амалиётлари муваффақиятли бажарилмоқда. Бу борада коронарография, эхокардиография, компьютер томографияси, УЗИ ва ЭКМО сингари замонавий ускуналар ҳамда турли лаборатория текширувлари қўл келаётир.

Тўғри, ҳозирги кунда мамлакатимиздаги етакчи клиникаларда юрак хасталикларини илғор технологиялар, мураккаб жарроҳлик амалиётини қўллаган ҳолда самарали даволашга муваффақ бўлинмоқда. Бироқ шуниси ҳам борки, тиббиётда қанчалар катта ютуқларга эришилмасин, агарки, энг бебаҳо бойлик — вақт бой берилгудек бўлса, хасталикнинг чуқур илдиз отишига йўл қўйиб берилса, оғир аҳволдаги бундай беморни ҳаётга қайтариш буткул имконсиз бўлиб қолиши мумкин.

(Давоми 4-бетда).

**Эътироф**

*— Ўзбекистон — жадал ривожланиб, нуфузи тобора ошиб бораётган навқирон мамлакат. Барқарорлик, тинчлик ва тараққиёт уйғунлашган бу давлатда бюджет харажатларининг ярмидан зиёди социал сектор тармоқлари, хусусан, соғлиқни сақлаш тизимига йўналтирилаётгани эътирофга лойиқдир.*

*Президент Ислом Каримов саъй-ҳаракатлари билан аҳоли фаровонлигини юксалтириш, айни чоғда жамиятда соғлом турмуш тарзини қарор топтиришга катта эътибор қаратилди. Бу йўлда мустаҳкам ҳуқуқий-меъёрий асос яратилди, узоқни кўзлаб пухта ўйланган стратегия ишлаб чиқилиб, ҳаётга татбиқ этилмоқда. Аҳолининг барча қатламларига бирдек замонавий даражада тиббий хизмат кўрсатиш имконини берувчи миллий моделга асос солинди. Бунинг натижасида тиббиётнинг кўпгина йўналишлари қатори кардиожарроҳликда ҳам глобал миқёсда намуна олишга арзигулик кўрсаткичлар қўлга киритилмоқда.*

**Роберт ФОГТ, Парк номидаги кардиожарроҳлик клиникаси директори (Швейцария).**

# Тараққиётнинг дадил одимлари

**Сурур**

*Президентимизнинг Ўзбекистон халқига йўллаган Янги йил табригида турли соҳаларда ўсиш суръатлари таъминлангани, юртимиз тараққиётнинг яна бир янги поғонасига кўтарилгани лўнда ва мухтасар ифодасини топди. Қолаверса, табрикда 2013 йилга мўлжалланган истиқболли режаларни тузишимизда ҳисобга олинадиган асосий вазифалар ҳам белгиланди. Бу эса ҳеч бир юртдошимизни бефарқ қолдирмай, айни пайтда уларни янада юксак марралар сари руҳлантирмоқда. Таҳририятимизга мактуб йўллаётган ҳамюртларимизнинг дил сўзлари буни яққол тасдиқлайди.*

## Бахтиёрлик шукуҳи

Мустаҳкам оила йилида турмуш қурган бахтиёр ёшлар сафида эканлигимиздан мамнунмиз. Ўтган йилнинг 18 ноябрь санасида никоҳдан ўтдик. Тантанага "Ўзбекистон маданияти ва санъати форуми" жамғармаси бош-қош бўлди. Тўйимиз "Фонд Форум" ҳамда бир қатор жамоат ташкилотларининг "1000 та никоҳ ва 1000 та суннат тўйлари" хайрия акцияси доирасида бўлиб ўтди. Ташкилотчиларга раҳмат. Улар туфайли ҳаётимиздаги энг қувончли кунимизни муҳташам бахт кошонасида, қадрдонлар даврасида нишонладик.

Бу ёғини сўрасангиз, рўзғор тебратишнинг ширин ташвишларини аллақачон бошлаб юбордик. Ҳозир биримиз фермер хўжалигида ишлаяпмиз, биримиз касаначилик билан шуғулланаяпмиз. Ниятимиз — Обод турмуш йили барчамиз учун омадли ва баракали бўлсин.

**Дилафруз ва Зайниддин ТОШПЎЛАТОВлар.**
Қибрай тумани

## Янгиланишлар меваси

Юртимизда ўтаётган ҳар бир йил янгиланишларга бой бўлмоқда. Барча соҳаларда ўсиш-ўзгаришлар кузатилаяпти. Хусусан, 2012 йил меҳнат жамоамиз учун ҳам муваффақиятли кечди. Корхонамизда 3 миллион 282 минг тонна цемент ишлаб чиқариб, буюртмачиларга етказиб берилди. Шунингдек, тасмали конвейер учун роликлар тайёрлаш ўзлаштирилди. Бу мақсад рўёби учун қарийб 1 миллиард сўм йўналтирилди.

Ўтган йилдаги энг қувончли воқеа мустақиллигимизнинг 21 йиллиги арафасида Президентимиз Фармонига биноан, "Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган саноат ходими" унвони билан тақдирланганим бўлди. Ҳозир ана шу юксак мукофотдан руҳланиб, корхонамизда янги технологияларни амалиётга самарали жорий этиш устида астойдил изланаяпман. Умуман, жамоамиз жорий йилда Маҳаллийлаштириш дастури асосида техник ва технологик жиҳозлаш бўйича қиймати 279,5 миллиард сўмлик иккита лойиҳани амалга оширишни кўзда тутган. Бу истиқболда йилига қўшимча бир миллион тонна цемент ишлаб чиқариш имконини беради.

**Баҳриддин НАЗАРОВ,**
**«Қизилқумцемент» ОАЖ янги техникани жорий этиш бўлими бошлиғи, Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган саноат ходими.**

(Давоми 2-бетда).

**14 январь — Ватан ҳимоячилари куни**

*Қуролли Кучларимиз ташкил этилганлигининг 21 йиллигини нишонлаш арафасида турибмиз. Мана шу ўтган давр, айтиш мумкинки, мамлакатимиз мудофаасини таъминлаш йўлида жуда муҳим босқич бўлди.*

# Ирода ва қатъият мактаби

Президентимизнинг оқилона сиёсати боис Ватанимиз хавфсизлиги ва барқарорлигини, сарҳадларимиз дахлсизлигини муносиб ҳимоя қила оладиган, тезкор ҳамда ҳаракатчан, ташкилий жиҳатдан мукаммал, замонавий қурол-яроғ ва ҳарбий техникага эга миллий армиямиз шаклланди. Муддатли ҳарбий хизмат бир йил этиб белгиланди. Муддатли ҳарбий хизматга чақирувни йилда бир марта ташкил этиш йўлга қўйилди. Қўшинларда шартнома асосида хизмат қилаётган сержантлар таркиби сезиларли даражада кенгайтирилиб, сафарбарлик чақируви резервидаги ҳарбий хизмат жорий этилди. Бундай модернизация жараёнлари Қуролли Кучларимизнинг қиёфасини, унинг мазмун-моҳиятини тубдан ўзгартирди, жанговар тайёргарлигини юксалтирди.

2002 йилнинг 12 декабрида қабул қилинган Ўзбекистон Республикасининг "Умумий ҳарбий мажбурият ва ҳарбий хизмат тўғрисида"ги Қонунига кўра, жорий этилган сафарбарлик чақируви резервидаги ҳарбий хизмат ана шу ислоҳотлардан биридир. Қисқа вақт ичида мазкур хизмат ўзини тўла оқлади, кўплаб ёшларимиз учун улкан имкониятлар эшигини очди. Ўз навбатида, бу ёшларнинг армияга бўлган қизиқиши ва интилишининг ортишига замин яратди.

— Қонунга мувофиқ, муддатли ҳарбий хизматни ўташга яроқли, чақирилиш муддатини кечиктириш ва чақирилишдан озод этиш ҳуқуқига эга бўлмаган, бироқ навбатдаги чақирув мобайнида Қуролли Кучлар сафига навбатдаги муддатга чақирилмаган фуқаролар сафарбарлик чақируви резервидаги

(Давоми 2-бетда).

# Иқтисодиёт барқарор суръатларда ривожланмоқда

**Охирги уч йил якуни бўйича мамлакатимизда ялпи ички маҳсулотнинг ўсиш суръати**

БИР РАҚАМ ШАРҲИ

**27,7**

**фоизни ташкил этди.**

**Бу кўрсаткич, аввало, 2008 йилдан буён давом этаётган глобал молиявий-иқтисодий инқирозга қарамасдан, иқтисодиётимиз барқарор суръатлар билан ривожланиб бораётганининг ёрқин исботидир.**

**Хушхабар**

*Швейцариянинг Цюрих шаҳрида Халқаро футбол уюшмалари федерацияси — ФИФАнинг мавсум якунларига бағишлаб ўтказилган тантанали маросимида Ўзбекистон футбол федерациясига "Fair Play" (ҳалол ўйин) соврини топширилди.*

# Ўзбекистон ФИФАнинг нуфузли совлини билан тақдирланди



Экспертларнинг таъкидлашича, Ўзбекистон мазкур мукофотга қитъамизда футболни ривожлантириш борасида амалга ошираётган саъй-ҳаракатлари туфайли муносиб кўрилди.

Қайд этиш жоизки, ушбу нуфузли мукофотга Ўзбекистоннинг муносиб кўрилиши Президентимиз Ислом Каримов раҳнамолигида футболни ривожлантиришга қаратилаётган улкан эътиборнинг халқаро миқёсдаги яна бир эътирофидир.

Умуман олганда, 2012 йил ўзбек футболи учун ёрқин ғалабаларга бой бўлди. Жумладан, ўсмирлар ва ёшлар терма жамоаларимиз Осиё чемпионатида муваффақиятли иштирок этиб, жаҳон чемпионатига йўлланма олди. Ўзбекистон ногирон-ампутантлар терма жамоаси кетма-кет учинчи бор жаҳон чемпионатида ғолиб чиқди. Ўзбекистон миллий терма жамоаси 2014 йилги жаҳон чемпионатининг Осиё саралаш мусобақасида ўз гуруҳида пешқадамликни қўлга олди.

Маълумот ўрнида айтиб ўтамиз, ушбу номинацияга Ўзбекистондан ташқари, Гватемала футбол федерацияси ва Туркиянинг "Эскишеҳирспор" клуби ҳам даъвогарлик қилганди.

(Давоми 4-бетда).

Қарор ва ижро

*Ўзбекистон Республикаси Президенти тақдимномасига биноан, Олий Мажлис Сенати томонидан қабул қилинган “Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилинганлигининг йигирма йиллиги муносабати билан амнистия тўғрисида”ги Қарор ижросини таъминлашга бағишланган тадбирлар жойларда изчиллик билан ўтказилмоқда. Шундай тадбирлардан бири Республика Ички ишлар вазирлиги Жазони ижро этиш бош бошқармасига қарашли аёллар жазони ижро этиш муассасасида ташкил этилди.*

# Шаффофлик ва ижтимоий ҳимоя

## амнистия актини қўллашнинг муҳим шартидир

Унда қатнашган депутатлар, Омбудсманнинг минтақавий вакиллари ва ҳуқуқ-тартибот идоралари ходимлари эътироф этганидек, жазо муддатини ўтаётган аёлларга билдирилган юксак ишонч замирида аёл зотига бўлган чуқур ҳурмат ва меҳр-муҳаббат мужассамдир. Амнистия тўғрисидаги қарорга асосан, билиб-билмай содир этган жинояти учун жазо муддатини ўтаётган аёлларнинг озод қилиниши бунинг ёрқин ифодаси бўлди.

— Адашганни суяш, керак бўлса, унга қўлидан келганича яхшилик қилиш давлатимизнинг бағрикенглик ва инсонпарварлик сиёсати, жамиятимизнинг эзгу аъмоли, десам тўғри бўлади, — дейди амнистия акти қўлланилган шахс Д. Шарипова. — Амнистия тўғрисидаги ҳужжатнинг қабул қилингани туфайли оилам бағрига қайтаётганимдан бахтиёрман. Мен билан бирга озод этилган аёлларнинг хурсандчилиги ҳамда қувонч ёшларини кўриб, кўнглим тоғдек кўтарилди. Албатта, бундан буён хатоларимдан сабоқ чиқариб, бор куч-ғайратимни юрт равнақига ҳисса қўшишга сарфлайман, фарзандларимнинг яхши инсонлар бўлиб вояга етишларига интиламан.

“Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилинганлигининг йигирма йиллиги муносабати билан амнистия тўғрисида”ги Қарор нафақат демократик жамиятнинг устувор тамойилларини, балки азалий қадриятларимизнинг нозик қирраларини ҳам ўзида мужассам этган. Жумладан, мазкур ҳужжатда аёллар, жиноят содир этган вақтда 18 ёшга тўлмаганлар, 60 ёшдан ошган эркаклар ва чет давлат фуқаролари билан бир қаторда, I ва II гуруҳ ногиронлари, шунингдек, ушбу қарор кучга киргунга қадар бир йилдан ошмаган муддат ичида қонунда белгиланган тартибда жазони ўташга тўсқинлик қиладиган оғир касалликка чалинган деб топилган шахсларни (жавобгарликни оғирлаштирадиган ҳолатларда қасддан одам ўлдириш жиноятини содир этганлар бундан мустасно) жазодан озод қилиш ҳам кўзда тутилган. Жазони ижро этиш бош бошқармасига қарашли Республика касалхонасида уюштирилган тадбирда шулар хусусида сўз юритилди. Айни чоғда озодликка чиқарилган фуқароларнинг, хусусан, ёлғиз, ёрдамга муҳтож шахсларнинг ногиронлар ва қариялар уйларига жойлаштирилаётгани ҳамда даволанишлари учун зарур шарт-шароитлар яратилгани алоҳида айтиб ўтилди. Бу борада прокуратура, суд ва ички ишлар идоралари, соғлиқни сақлаш тизими, “Камолот” ёшлар ижтимоий ҳаракати, “Маҳалла” хайрия жамоат фонди ҳамда фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари ҳамкорлигида ишлаб чиқилган чора-тадбирлар режаси муҳим аҳамият касб этмоқда.

— Бундай олижанoблик ифодаси дунёнинг ҳеч бир давлатида йўқ, десам хато бўлмайди, — дейди А. Жўраев. — Жазо муддатини ўтаётган пайтимда соғлиғимда муаммолар пайдо бўлиши билан махсус касалхонага ётқизишди. Ҳозир хурсандчилигимнинг чеки йўқ. Қаранг, амнистия тўғрисидаги қарор билан озод қилиндим, сўнгра соғлиғимни тўлиқ тиклаб олишим учун яна касалхонага йўлланма беришди. Бундай хайрли ишларга бош-қош бўлганларга, хусусан, Юртбошимизга мингдан-минг раҳмат! Ўзим ҳам, оилам аҳли ҳам шод бўлди.

Зангиота тарбия колониясида амнистия акти ижроси доирасида ўтказилган тадбирда жиноят содир этган вақтда 18 ёшга тўлмаган бир гуруҳ озод қилинган ёшларнинг қизиқишларидан келиб чиқиб, ўқиши ва ишлаши учун тавсиялар берилди. Озод қилинган ёшлар билан суҳбатлашар эканмиз, уларнинг ҳар бири юксак ғамхўрликка жавобан, эндиликда жамиятимизнинг ҳалол, фидойи фарзандлари бўлишга аҳд қилганликларини билдиришди.

— Суд ҳукми билан озодликдан маҳрум этилгач, хато қилганимни англаб етдим ва бундан хижолат бўлдим, — дейди С. Қобилов. — Бугун давлатимиз ва Президентимизнинг бағрикенглиги, кечиримлилиги туфайли муддатидан олдин озод этилганимдан қаттиқ ҳаяжондаман. Албатта, юртимга, халқимга нафим тегадиган инсон бўлишга астойдил ҳаракат қиламан. Бирон-бир ҳунарни пухта эгаллаб, шунинг орқасидан оиламга, Ватанимга фойда келтираман. Бунинг учун бор куч-ғайратимни ишга соламан.

Таъкидлаш керакки, амнистия тўғрисидаги қарор нафақат маҳкумни жазодан озод этишга қаратилган ҳужжат, балки унинг ҳаётда ўз ўрнини топиб олишида беқиёс аҳамият касб этувчи ҳуқуқий асос ҳамдир. Зеро, қарорда жазодан озод қилинаётган шахслар ижтимоий мослашуви ва ҳимоясига қаратилган комплекс чора-тадбирларни рўёбга чиқариш ҳам назарда тутилган. Ҳозир шу асосда маҳкумлар йиғма жилдлари прокуратура ва судларга юборилиб, амнистия акти доирасига тушадиган маҳкумлар билан психологик суҳбатлар ўтказилмоқда. Шу билан бирга, уларнинг жамиятга тез ва осон мослашиб кетишлари ҳам алоҳида эътиборга олинган.

Умуман, “Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилинганлигининг йигирма йиллиги муносабати билан амнистия тўғрисида”ги Қарор ижроси билан боғлиқ тадбирлар жойларда уюшқоқлик билан давом эттирилмоқда.

**Зокир ХУДОЙШУКУРОВ,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**

# Тараққиётнинг дадил одимлари

(Давоми. Бошланиши 1-бетда).

Президентимизнинг Янги йил табригини телевизор орқали тинглаб, беҳад тўлқинландим. Табрикда ҳар биримизнинг дилимиздаги гаплар айтилган. Айниқса, Юртбошимизнинг навқирон авлод вакиллари эришаётган ютуқлар ҳақидаги сўзлари педагог сифатида юрагимдан чуқур жой олди. Зеро, 2012 йил мен учун ҳар томонлама қувончли якун топди.

## Фарзандларимиз иқболи

“Йилнинг энг яхши мактаб директори” республика кўрик-танловида муваффақиятли иштирок этдим.

Бугун келажагимиз ворислари бўлган ёш авлод билан ишлаш, уларга талаб даражасида таълим-тарбия бериш ўқитувчидан ҳар доимгидан ҳам кўра кучли изланиш ва улкан масъулиятни талаб қилади. Шундан келиб чиқиб, таълим даргоҳимизда ёшларни илғор педагогик технологиялар асосида ўқитишга алоҳида эътибор қаратаяпмиз. Хусусан, мактабимизда инклюзив таълим лойиҳасининг самарали амалга оширилиши натижасида ўтган йили 12 нафар боланинг узлуксиз таҳсил олиши таъминланди. Бу эса нафақат жамоамиз, умуман, жамиятимиз учун катта ютуқдир.

**Дилфуза САДРИДДИНОВА,**
**Жиззах шаҳридаги 22-умумтаълим мактаби директори.**

## Мадҳиямиз янграганда чексиз ғурурландим

Мамлакатимиз мустақиллигининг 21 йиллиги нишонланган йил мен учун қўшалоқ байрам бўлди. Боиси, истиқлол шодиёналари арафасида Россиянинг Рязань шаҳрида белбоғли кураш бўйича ёшлар ўртасида ўтказилган жаҳон чемпионатида ғолибликка эришдим. Ушбу нуфузли мусобақада йигирмадан ортиқ давлатдан келган 200 дан зиёд полвонлар гиламга тушди. Ўшанда 83 килограмм вазн тоифасида барча рақибларим курагини ерга теккизиб, чемпион мақомига эришганим, бунинг шарафига мамлакатимиз мадҳияси янграб, байроғимиз баланд кўтарилгани ҳеч қачон ёдимдан чиқмаса керак. Ўша дамдаги ҳаяжоним, қувончимни сўз билан таърифлаб бўлмайди. Ана шу лаҳзаларда хаёлимдан биз ҳеч кимдан кам эмасмиз ва кам бўлмаймиз, деган ўй ўтди.

**Абдуқаҳҳор ЭРГАШАЛИЕВ,**
**ёшлар ўртасида белбоғли кураш бўйича жаҳон чемпиони.**
Наманган вилояти

## Ишончни оқлаймиз

Юртбошимизнинг Янги йил табригида Ўзбекистон қўлга киритаётган юксак марраларнинг мустаҳкам замини, аввало, ёшларимизнинг дунёқараши, сиёсий ва ижтимоий фаоллиги тобора кучайиб бораётгани билан боғлиқ эканлиги алоҳида таъкидланди. Албатта, бу биз, ёшларга билдирилган катта ишончдир.

Айни пайтда ўзим таҳсил олаётган Самарқанд иқтисодиёт ва сервис институти талабалари орасида ҳам ана шундай иқтидорли йигит-қизлар кўп. Уларнинг пухта билим олиши, касб эгаллаши учун барча шарт-шароит яратилган. Ана шундай имкониятлардан фойдаланиб, 2011 йилда “Келажак овози” республика кўрик-танловида “Моҳир таржимон” номинацияси бўйича ғолиб бўлдим ҳамда республика фан олимпиадасида инглиз тили фанидан 1-ўринни қўлга киритдим. 2012 йил ҳам ҳаётимда ёрқин из қолдирди. “Ўзбекистон маданияти ва санъати форуми”, “Меҳр нури” жамғармалари томонидан ташкил этилган иқтидорли талабалар учун стипендиялар дастурида муваффақият қозондим. Айни пайтда ўз мутахассислигим бўйича илмий изланишлар олиб бораяпман. Мақсадим — келгусида юртимизда туризм соҳасини ривожлантиришга муносиб ҳисса қўшишга қодир етук мутахассис бўлиб етишиш.

**Дилрабо БЎТАЕВА,**
**Самарқанд иқтисодиёт ва сервис институти талабаси.**

Тадбир

*Бугун Фарғона вилоятида 7700 дан ортиқ фермер хўжалиги фаолият кўрсатмоқда. Уларга яратиб берилаётган имтиёз ва шарт-шароитлар туфайли нафақат қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари етиштириш, балки уларни қайта ишлашда ҳам катта муваффақиятларга эришилмоқда.*

## Фермерлар билан учрашув

Олтиариқ туманида фермерлар иштирокида ўтказилган тадбирда ана шу ҳақда сўз борди. Таъкидлаш керакки, вилоятда фермер хўжаликларини ривожлантириш, уларнинг ер, сув ва моддий-техника ресурсларидан оқилона фойдаланишини таъминлаш борасида олиб борилаётган ислоҳотлар ҳосилдорликни оширишда муҳим омил бўлаётир. Хусусан, ирригация тармоқларини такомиллаштириш ва ерларнинг мелиоратив ҳолатини яхшилаш ишларига 2008 — 2012 йилларда 68 миллиард сўмликдан ортиқ маблағ йўналтирилди. Табиийки, бу борада амалга оширилаётган ишлар фермерларга катта кўмак бўлмоқда.

Учрашувда Президентимизнинг 2012 йил 22 октябрда қабул қилинган “Ўзбекистонда фермерлик фаолиятини ташкил қилишни янада такомиллаштириш ва уни ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Фармони асосида вилоятда фермерлик фаолиятини такомиллаштириш, уларнинг рентабеллигини таъминлаш, соҳанинг моддий-техник базасини мустаҳкамлаш борасидаги чора-тадбирлар хусусида атрофлича сўз юритилди. Бунда фермерлар кенгашининг фермер хўжаликларининг самарали фаолият юритиши учун зарур шарт-шароит яратиш борасидаги вазифалари алоҳида таъкидлаб ўтилди.

**Набижон СОБИРОВ,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**

Жараён

# Хориж ишбилармонлари билан мустаҳкам ҳамкорлик

## сифатли маҳсулотлар ишлаб чиқаришда муҳим аҳамият касб этмоқда

*Мамлакатимизда саноат корхоналарини техник ва технологик жиҳатдан модернизация қилиш, уларга тежамкор технологияларни жорий этиш, шунингдек, хорижий инвесторларга кенг йўл очиб берилаётгани натижасида ички бозоримиз ўзимизда ишлаб чиқарилган рақобатбардош маҳсулотлар билан бойимоқда.*





Сурхондарё вилоятида айни пайтда чет эл инвестицияси иштирокида 43 та корхона фаолият юритаётган бўлса, шундан 3 таси ўтган йилда ташкил этилди.

Термиз шаҳридаги “Grant shifer” Ўзбекистон — Буюк Британия қўшма корхонаси — шундай ишлаб чиқариш қувватларидан бири. Умумий қиймати 2,5 миллион АҚШ долларига тенг бўлган мазкур корхонада 90 нафар киши меҳнат қилмоқда. Улар томонидан бир кеча-кундузда 4,5 минг дона сифатли ва замонавий шифер маҳсулотлари тайёрланмоқда.

— Келгусида яна 2 миллион АҚШ долларилик сармоя эвазига ишчилар сони ва маҳсулот ишлаб чиқариш ҳажмини икки баробарга ошириш ниятидамиз, — дейди корхона раҳбари Қўчқор Омонов. — Шу билан бирга, янги маҳсулот — металл томёпқичлар тайёрлашни ҳам йўлга қўямиз.

Таъкидлаш жоизки, корхона жамоасининг аксарияти воҳадаги соҳага ихтисослаштирилган касб-ҳунар коллежлари битирувчилари ҳисобланади. Умуман, бу ерда ёш мутахассисларнинг иш ўрганишлари учун яратилган қулай шарт-шароит уларнинг сафи тобора кенгайишига сабаб бўлаётгани диққатга сазовор.

Корхона жамоаси ўтган йили вилоятнинг таълим, тиббиёт тизимидаги буюртмачиларга 20 минг дона шифер етказиб бериш баробарида, 540 минг дона маҳсулотни хорижга сотди. Бу эса “Grant shifer” корхонаси фаолияти янада кенгайиб, жамоанинг иқтисодиётимиз равнақи йўлидаги ҳиссаси бундан-да ортиб бораётганидан яққол далолат беради.

**Нормурод ТЕМИРОВ,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**

Шомурот ШАРАПОВ олган суратлар.

Модернизация

*Саноат тармоқларини модернизациялаш, техник ва технологик янгиланишларсиз жаҳон стандартларига мос рақобатбардош маҳсулот тайёрлаб бўлмайди. Шу боис бугунги кунда маҳаллий тадбиркорларимиз томонидан ишлаб чиқариш цехларини илғор ускуна ва дастгоҳлар билан жиҳозлаш ишлари жадал давом эттирилмоқда.*

# Кўп тармоқли фаолият

## аҳоли дастурхони файзу баракасини таъминлашга хизмат қилмоқда

Хоразм вилоятидаги йирик саноат мажмуаларидан бири — “Урганч ёғ-мой” очиқ акциядорлик жамияти фаолиятидаги муваффақиятларни ҳам ана шундай янгиланишлар билан изоҳлаш мумкин. Жумладан, ўтган йилнинг ўзида бу ерда модернизация жараёнига 242 миллион сўмдан ортиқ маблағ йўналтирилди. Натижада жамиятда чигит, соя ва кунгабоқар донини қайта ишлаш имконияти кенгайди. Шунингдек, тозаланган пахта ёғи, қадоқланган ёғ, хўжалик совуни, ёғ кислоталари ишлаб чиқариш ҳам ўзлаштирилди. Бинобарин, ёғ қадоқлаш цехига янги механизациялаштирилган тизим ўрнатилиши билан ишлаб чиқариш самарадорлиги ва маҳсулотлар сифати янада ошди.

— Хўжалик совуни тайёрлаш цехимиз Хоразм вилояти ва Оролбўйи минтақаси аҳолисининг ушбу маҳсулотга бўлган эҳтиёжини таъминлайди, — дейди “Урганч ёғ-мой” ОАЖ бош муҳандиси Қуронбой Собиров. — Шу сабабли совун ишлаб чиқариш технологияларини босқичма-босқич такомиллаштириб бораяпмиз. Масалан, илгари хўжалик совунининг асосий таркибий компонентлари — техник ва озуқавий саломас ишланмаси Фарғона ҳамда Тошкент ёғ-мой корхоналаридан ташиб келтириларди. Бунинг учун ҳар йили 200 миллион сўмдан зиёд маблағ сарфланарди. Корхонада гидрогенизация цехи ишга туширилгач, ушбу хом ашё ўзимизда ишлаб чиқарила бошланди. Маҳсулот таннархи арзонлашиб, иш унуми ортди. Қолаверса, 82 та қўшимча иш ўрни яратилди.

Шу ўринда корхонанинг ёрдамчи хўжалиги ҳақида ҳам тўхталиб ўтиш жоиз. Бу ерда чорвачилик, паррандачилик ва балиқчилик йўлга қўйилган. Ёрдамчи хўжалик тасарруфида 650 гектарга яқин экин майдони мавжуд. Унда, асосан, пахта, соя ва кунгабоқар, шунингдек, чорва озуқа экинлари етиштирилади. Сут, тухум маҳсулотлари бозор нархларидан анча арзон баҳоларда корхона ишчи-хизматчиларига етказиб берилаяпти. Иссиқхонада етиштирилаётган маҳсулотлар эса ходимлар таъминоти учун ажратилмоқда. Эндиликда корхона ўзининг қуюлтирилган сут тайёрлаш цехига ҳам эга бўлди.

Биргина шулар билан чекланиб қолингани йўқ. Харидорбоп қандолатчилик маҳсулотлари, жумладан, сутли конфет ишлаб чиқариш йўлга қўйилди. Цехга Хитойдан 87 минг 500 АҚШ долларилик замонавий технологик ускуналар олиб келиб ўрнатилди. Қўшимча ўн кишининг бандлиги таъминланди.

Президентимизнинг 2011 йил 4 октябрдаги “Рақобатбардош маҳсулотларнинг янги турларини ишлаб чиқариш ва ўзлаштириш ҳажмини кенгайтириш бўйича дастлабки чора-тадбирлар дастури тўғрисида”ги қарори асосида жорий йилда саломасдан дистилланган глицерин ҳамда ёғ кислоталари ишлаб чиқариш белгиланган. Бунга оид лойиҳанинг умумий қиймати 3,2 миллион АҚШ долларини ташкил этади. Айни пайтда мазкур муҳим қарор ижросини таъминлаш юзасидан хорижий компания билан технологик ускуналарни етказиб бериш бўйича шартнома имзоланди.

Корхона фаолиятини такомиллаштириш, уни замонавий техника воситалари билан жиҳозлаш, маҳсулот турларини кўпайтириш, сифатини тубдан яхшилаш юзасидан кўрилаётган чора-тадбирлар ўзини оқлаяпти. Ўтган йил март ойида халқаро “Other Ways” консалтинг ва менежмент ассоциацияси корхонани ўзининг “Янги эра” мукофоти билан тақдирлади. Ана шундай муваффақиятларни янада мустаҳкамлаш, тайёрланаётган маҳсулотлар сифатини ошириш, ишчи-хизматчиларнинг турмуш шароитини яхшилаш галдаги муҳим вазифалардандир. Хусусан, ўтган йили 60 миллиард 500 миллион сўмликдан ортиқ маҳсулот ишлаб чиқарилгани ҳам бу борадаги мақсадлар эзгу ва улуғвор эканлигидан далолат беради.

**Ойбек РАҲИМОВ,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**

# Ирода ва қатъият мактаби

(Давоми. Бошланиши 1-бетда).

ҳарбий хизматга жалб этиладилар, — дейди Қашқадарё вилояти мудофаа ишлари бошқармаси масъул ходими, майор Фаррух Қўзиев. — Сафарбарлик чақируви резервидаги ҳарбий хизмат ойлик йиғинининг ўзига хос томони шундаки, йигитлар қисқа вақт ичида жанговар тайёргарлик дастурини ўзлаштиришади, саф тайёргарлиги бўйича кўникмаларга эга бўлишади, билимларини бойитиб, ҳақиқий ватанпарвар сифатида шаклланишади. Улар келажакда ҳарбий соҳада, ички ишлар тизимида ва бошқа давлат органларида ишлашлари ҳам мумкин.

— Қарши маиший хизмат коллежини тамомлаганимдан сўнг сафарбарлик чақируви резервидаги ҳарбий хизматнинг ойлик йиғин машғулотларида қатнашдим, — дейди қаршилик Баҳодир Темиров. — Шу вақт мобайнида, айниқса, жанговар тайёргарлик машғулотлари менда катта таассурот қолдирди. Жумладан, жанговар қурол-яроғ ва техникалар тузилиши, уларни тўғри қўллаш ва бошқаришни, ҳарбий хизматчиларнинг Умумҳарбий низомларда белгилаб берилган бурч ҳамда мажбуриятларини ўргандим. Булар менда ҳарбий соҳага бўлган қизиқишни кучайтирди. Шу боис келажагимни ҳарбийлик касби билан боғлашга қарор қилдим. Сержантлар, офицерлардан ўрганган билимларимга таяниб, синовдан ўтгандан сўнг, мақсадимга эришдим. Ҳозир юртимиз жанубида ўз хизмат вазифамни адо этаяпман.

— Инсонда хоҳиш-истак бўлса, қисқа вақтда ҳам кўп нарса ўрганса бўларкан, — дейди Баҳодирнинг ҳамшаҳри Дилшод Қодиров. — Она Ватанни ҳимоя қилиш ҳар бир йигитнинг бурчидир. Шунинг учун ҳарбий хизматга боришни орзу қилган эдим. Ойлик йиғинда қатнашиб, офицер ва сержантлардан жуда кўп нарса ўргандим, дунёқарашим ўзгарди, ўзимга бўлган ишончим ортди. Айниқса, Ҳарбий қасамёд қабул қилган кунимиз ҳаётимдаги унутилмас воқеа бўлиб қолди. Ҳозир Қарши шаҳар мудофаа ишлари бўлимида ҳарбийлик касбини давом эттираяпман. Ёшларимиз билан учрашганда, суҳбатлашганда, Юртбошимиз томонидан Қуролли Кучларимизни шакллантириш йўлида амалга оширилаётган ислоҳотлар, хусусан, сафарбарлик чақируви резервидаги ҳарбий хизматнинг аҳамиятини, ўзига хос жиҳатларини гапириб беришдан завқ оламан. Уларда Ватан ҳимоячиси бўлиш истаги кучли эканлигини кўриб, чин дилдан қувонаман.

— Армияга бориш ҳар бир йигитнинг орзусидир, — дейди Қарши шаҳар Кунчиқар маҳалласида яшовчи Аббос Қурбонов. — Шу боис мен ҳам сафарбарлик чақируви резервидаги ҳарбий хизматни танладим. Яқинда мазкур хизматнинг ойлик йиғинига жўнаб кетамиз. Жудаям ҳаяжондаман. Йиғин бошланишини сабрсизлик билан кутаяпман. Қуролли Кучларимиз сафларида бўлиб, билимимни, жисмоний тайёргарлигимни ошириб, асл мардлар қаторида бўлишни истайман. Тинчлигимизни асраб-авайлашга муносиб ҳисса қўша олсам, ўзимни бахтиёр ҳис этаман.

Мухтасар айтганда, Қуролли Кучларимиз тизимида амалга оширилган ислоҳотлар ёшларимиз учун катта имкониятлар эшигини очмоқда, уларнинг юрт корига камарбаста, Ватан манфаатларини ҳар нарсадан устун қўядиган, мамлакат тақдири учун қайғурадиган инсонлар бўлиб камолга етишларига хизмат қилмоқда.

**Аҳад МУҲАММАДИЕВ,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**

## O'ZSANOATQURILISHBANK

### «СОВРИН-2» НОМЛИ

**АҚШ долларидаги ютуқли омонати бўйича
2012 йил 20 декабрда бўлиб ўтган 7-ютуқлар тиражининг**

**РАСМИЙ ЖАДВАЛИ**

**Ютуқлар қуйидаги ҳисобварақ рақамларига чиқди:**

| Т/р | Ютуқ миқдори % да | Ҳисоб-варақ рақами | Т/р | Ютуқ миқдори % да | Ҳисоб-варақ рақами | Т/р | Ютуқ миқдори % да | Ҳисоб-варақ рақами | Т/р | Ютуқ миқдори % да | Ҳисоб-варақ рақами |
|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|
| 1 | 3 | 17 | 51 | 2 | 232 | 101 | 3 | 445 | 151 | 9 | 731 |
| 2 | 5 | 20 | 52 | 2 | 239 | 102 | 4 | 450 | 152 | 2 | 736 |
| 3 | 2 | 21 | 53 | 4 | 241 | 103 | 4 | 455 | 153 | 2 | 738 |
| 4 | 8 | 26 | 54 | 5 | 244 | 104 | 2 | 460 | 154 | 4 | 751 |
| 5 | 3 | 28 | 55 | 5 | 249 | 105 | 2 | 466 | 155 | 3 | 760 |
| 6 | 6 | 34 | 56 | 5 | 252 | 106 | 2 | 467 | 156 | 4 | 765 |
| 7 | 7 | 40 | 57 | 9 | 253 | 107 | 2 | 470 | 157 | 3 | 771 |
| 8 | 2 | 43 | 58 | 7 | 254 | 108 | 5 | 478 | 158 | 3 | 777 |
| 9 | 5 | 51 | 59 | 2 | 258 | 109 | 6 | 489 | 159 | 5 | 792 |
| 10 | 9 | 55 | 60 | 2 | 266 | 110 | 3 | 497 | 160 | 4 | 797 |
| 11 | 6 | 64 | 61 | 2 | 268 | 111 | 6 | 499 | 161 | 6 | 806 |
| 12 | 3 | 65 | 62 | 9 | 269 | 112 | 3 | 505 | 162 | 3 | 816 |
| 13 | 6 | 67 | 63 | 4 | 275 | 113 | 3 | 513 | 163 | 4 | 828 |
| 14 | 3 | 69 | 64 | 5 | 280 | 114 | 2 | 515 | 164 | 2 | 830 |
| 15 | 3 | 78 | 65 | 5 | 284 | 115 | 3 | 527 | 165 | 5 | 841 |
| 16 | 3 | 82 | 66 | 6 | 290 | 116 | 5 | 530 | 166 | 2 | 842 |
| 17 | 2 | 83 | 67 | 3 | 291 | 117 | 3 | 534 | 167 | 4 | 845 |
| 18 | 2 | 97 | 68 | 4 | 295 | 118 | 2 | 535 | 168 | 4 | 846 |
| 19 | 2 | 104 | 69 | 6 | 314 | 119 | 5 | 538 | 169 | 9 | 847 |
| 20 | 7 | 112 | 70 | 8 | 317 | 120 | 9 | 543 | 170 | 2 | 848 |
| 21 | 3 | 117 | 71 | 5 | 322 | 121 | 4 | 546 | 171 | 5 | 855 |
| 22 | 3 | 120 | 72 | 2 | 327 | 122 | 2 | 548 | 172 | 5 | 869 |
| 23 | 5 | 125 | 73 | 3 | 329 | 123 | 7 | 552 | 173 | 8 | 870 |
| 24 | 4 | 127 | 74 | 4 | 331 | 124 | 7 | 554 | 174 | 3 | 871 |
| 25 | 2 | 128 | 75 | 3 | 336 | 125 | 3 | 555 | 175 | 3 | 872 |
| 26 | 8 | 130 | 76 | 3 | 340 | 126 | 3 | 560 | 176 | 7 | 876 |
| 27 | 4 | 137 | 77 | 3 | 344 | 127 | 5 | 566 | 177 | 8 | 877 |
| 28 | 3 | 143 | 78 | 2 | 345 | 128 | 5 | 579 | 178 | 3 | 879 |
| 29 | 3 | 147 | 79 | 2 | 349 | 129 | 3 | 596 | 179 | 2 | 882 |
| 30 | 2 | 149 | 80 | 2 | 354 | 130 | 9 | 603 | 180 | 3 | 889 |
| 31 | 6 | 151 | 81 | 2 | 356 | 131 | 3 | 606 | 181 | 7 | 892 |
| 32 | 3 | 155 | 82 | 2 | 358 | 132 | 2 | 618 | 182 | 2 | 895 |
| 33 | 7 | 159 | 83 | 4 | 360 | 133 | 4 | 632 | 183 | 4 | 897 |
| 34 | 5 | 166 | 84 | 2 | 366 | 134 | 2 | 637 | 184 | 2 | 900 |
| 35 | 7 | 167 | 85 | 6 | 375 | 135 | 3 | 639 | 185 | 3 | 903 |
| 36 | 3 | 169 | 86 | 6 | 376 | 136 | 2 | 640 | 186 | 9 | 913 |
| 37 | 4 | 174 | 87 | 8 | 378 | 137 | 7 | 650 | 187 | 2 | 914 |
| 38 | 4 | 175 | 88 | 5 | 380 | 138 | 5 | 659 | 188 | 5 | 920 |
| 39 | 3 | 177 | 89 | 2 | 387 | 139 | 3 | 660 | 189 | 3 | 921 |
| 40 | 7 | 181 | 90 | 2 | 393 | 140 | 4 | 666 | 190 | 7 | 924 |
| 41 | 2 | 182 | 91 | 3 | 395 | 141 | 7 | 667 | 191 | 3 | 928 |
| 42 | 5 | 183 | 92 | 6 | 400 | 142 | 4 | 668 | 192 | 2 | 929 |
| 43 | 8 | 184 | 93 | 4 | 402 | 143 | 4 | 675 | 193 | 9 | 937 |
| 44 | 3 | 194 | 94 | 6 | 414 | 144 | 7 | 678 | 194 | 6 | 944 |
| 45 | 2 | 209 | 95 | 3 | 416 | 145 | 6 | 683 | 195 | 3 | 961 |
| 46 | 2 | 210 | 96 | 3 | 418 | 146 | 2 | 690 | 196 | 3 | 965 |
| 47 | 2 | 213 | 97 | 3 | 421 | 147 | 3 | 707 | 197 | 8 | 984 |
| 48 | 9 | 218 | 98 | 5 | 427 | 148 | 2 | 721 | 198 | 5 | 986 |
| 49 | 7 | 223 | 99 | 8 | 434 | 149 | 2 | 725 | 199 | 2 | 992 |
| 50 | 2 | 231 | 100 | 4 | 440 | 150 | 8 | 730 | 200 | 3 | 998 |

***ИЗОҲ:*** ютуқлар ушбу жадвалда фақатгина биринчи мингталик ютуқлик ҳисоблар бўйича кўрсатилган. Агар ютуқли омонат бўйича ҳисобварақлар сони мингдан ошиқ бўлса, унда кейинги минглик ҳисобварақларида ҳам худди шу сонлар ютуқли ҳисобланади, худди биринчи мингталикдагидек. Мисол учун 2СН-2, 2СН-1002, 2СН-2002, 2СН-3002 ва ҳ.к.

Мазкур жадвал расмий ҳужжат ҳисобланиб, «Ўзсаноатқурилишбанк» филиаллари унинг ёрдамида ютуқлар миқдорини ҳисоблаб чиқади ва белгиланган тартибда ютуқ эгаларига тўлайди.

Ҳайъат раиси — «Ўзсаноатқурилишбанк» ОАТБ бошқарув раиси ўринбосари — М. Н. ШЕРМАТОВ
Масъул котиб — Г. М. МУРОДОВА

26R/

**Вақт давомида синалган ишонч!**
www.uzpsb.uz
ХИЗМАТЛАР ЛИЦЕНЗИЯЛАНГАН.

## POS-ТИЗИМЛАРИ АВТОМАТЛАШТИРИШ

**Micros®**
Ўзбекистондаги расмий ҳамкор




***ЖИҲОЗ ЕТКАЗИБ БЕРИШ ВА АВТОМАТЛАШТИРИШ:***

- **савдо жойлари (магазинлар/супермаркетлар);**
- **бутик, ноозиқ-овқатлар савдоси;**
- **ресторанлар, кафе, барлар;**
- **фитнес-клублар, бильярд хоналар, боулинг ва бошқалар.**

**Моноблоклар, кассалар, штрих-код сканерлари, чеклар принтерлари, савдо тарозилари.**

**Дастурий таъминот: Atol, Microinvest, Айтида. Автоматлаштириш «калити билан».**

*Маҳсулот сертификатланган*

- Кичик Бешёғоч к., 86 (соб. Глинка кўчаси, олдинги шаҳар ГАИси қаршисида), тел.: (+998 71) 200-34-34 (қўш. 850, 858), факс: 281-43-65.

www.micros.uz; e-mail: scales@ucd.uz, micros@ucd.uz

33R/770



## ПЎЛАТ ҚУВУРЛАР

## «ТОШКЕНТ ТРУБА ЗАВОДИ» ҚК

**ўзида ишлаб чиқарилган қуйидаги маҳсулотларни харидорларга тақдим этади (нархлар ҚҚС билан қўшиб ҳисобланган)**

**СУВ ВА ГАЗ ЎТКАЗУВЧИ ҚУВУРЛАР — ГОСТ 10705-80, диаметри 15-114 мм., баҳоси 1 тн. учун 2 900 000 сўмдан бошлаб.**

**ГАЗ ВА НЕФТЬ ЎТКАЗУВЧИ ҚУВУРЛАР — ГОСТ 20295-85, диаметри 159-337 мм., баҳоси 1 тн. учун 3 100 000 сўмдан бошлаб.**

**Квадрат кесимдаги ПЎЛАТ ҚУВУРЛАР — ГОСТ 8639-82, ўлчамлари: 20x20, 25x25, 30x30, 40x40, 50x50, 60x60, 80x80, 100x100.**

**Тўғри бурчак кесимдаги ПЎЛАТ ҚУВУРЛАР — ГОСТ 8645-68, ўлчамлари: 30x20, 40x25, 50x25, 30x60, 40x60, 40x80, 50x100, 60x80, 60x100, 80x120. Девор қалинлиги 1,0-4,0 мм., баҳоси 1 тн. учун 3 100 000 сўмдан бошлаб.**

**ПРОФНАСТИЛ — Н-17, Н-25, Н-28, Н-35, Н-57, Н-75 қалинлиги 0,3-0,9 мм., узунлиги 2 м. дан 14 м. гача.**

МАҲСУЛОТЛАР СЕРТИФИКАТЛАНГАН.

**Телефон: (8-371) 241-31-72. Факс: (8-371) 241-31-94.**

10R/97

## ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ БАНК-МОЛИЯ АКАДЕМИЯСИ

**ҚУЙИДАГИ ПРОФЕССОР-ЎҚИТУВЧИ ЛАВОЗИМЛАРИГА ТАНЛОВ ЭЪЛОН ҚИЛАДИ:**

- **Инвестициялар кафедраси:** кафедра мудири, доцент.
- **Солиқлар ва солиққа тортиш кафедраси:** кафедра мудири.
- **Пенсия ва суғурта иши кафедраси:** кафедра мудири, доцент.
- **Чет тиллари кафедраси:** катта ўқитувчи.

Барча профессор-ўқитувчи лавозимларига (кафедра мудири, профессор) номзодларни танлашда дунёнинг етакчи хорижий университетлари ва илмий марказларида таҳсил олган (стажировка ўтган ёки малака оширган) ҳамда илғор хорижий таълим стандартлари ва технологияларини пухта эгаллаган, замонавий ахборот-коммуникация технологиялари ҳамда инглиз тилидан педагогик ва илмий тадқиқот фаолиятида эркин, амалий фойдаланиш имкониятига эга бўлган, ўз мутахассислиги фанининг замонавий илмий-назарий, методологик ҳамда амалий муаммолари ва ривожланиш тенденцияларини чуқур ўзлаштирган шахсларга алоҳида эътибор қаратилади.

Кафедра мудири лавозими танловида тегишли ихтисослик бўйича фан доктори ёки фан номзоди илмий даражали, профессор ёки доцент илмий унвонли шахслар иштирок этишлари мумкин.

Доцент лавозими танловида тегишли ихтисослик бўйича илмий даражали, илмий унвонли, камида уч йил илмий-педагогик стажли, кафедра фанлари бўйича ўқув қўлланмалари, ўқув-услубий мажмуалар ва ўқув дастурлари муаллифи бўлган олий маълумотли шахслар қатнашиши мумкин.

Катта ўқитувчи лавозими танловида олий маълумотга эга бўлган шахс (магистр, дипломли мутахассис), шунингдек, илмий даража ва илмий унвонга эга бўлган ҳамда бундай даража ва унвонга эга бўлмаган, камида икки йил илмий-педагогик стажли шахслар қатнашиши мумкин.

**Танловда иштирок этишни хоҳловчилар қуйидаги ҳужжатларни тақдим қилишлари лозим:**

- *ректор номига ариза;*
- *кадрларни ҳисобга олиш бўйича шахсий варақа;*
- *дипломлар ва аттестатлар нусхалари;*
- *илмий ишлар ва ихтиролар рўйхати;*
- *малака оширганлик тўғрисидаги ҳужжатлар нусхалари.*

***Аризалар эълон чоп этилган санадан бошлаб бир ой муддатда қабул қилинади.***

**Манзил: Тошкент шаҳри, Ҳ. Орипов кўчаси, 16-уй.**
**Маълумот учун телефонлар: (8-371) 237-54-53, 237-53-61, 237-54-09.**

25R/5

## «Universal Auktsion Invest» МЧЖ

**очиқ аукцион савдосига таклиф этади!**

2013 йил 12 февраль куни соат 10.00 да ўтказиладиган аукцион савдосига Тошкент шаҳар, Сергели тумани СИБ томонидан ЖИБ Тошкент шаҳар Яккасарой тумани судининг 2012 йил 24 сентябрдаги 1-381/12-сонли ижро варақасига асосан хатланган, «Fayz» хусусий корхонасида сақланаётган, 2008 йилда ишлаб чиқарилган, «BMW X6» русумли, давлат рақами M 7727, оқ рангли автотранспорт воситаси қўйилмоқда.

***Бошланғич баҳоси — 247 939 632 сўм.***

Юқоридаги мулк билан тегишли СИБ вакили иштирокида бевосита жойига чиқиб танишиш мумкин. Мазкур автотранспорт воситаси 2013 йил 12 февраль куни сотилмаган тақдирда, мазкур мулкни сотиш юзасидан такрорий савдо 2013 йил 27 февраль куни бўлиб ўтади.

Аукцион савдосида иштирок этиш истагидаги талабгорлардан аризалар иш кунлари соат 9.00 дан 18.00 гача қуйида кўрсатилган манзилда қабул қилинади. Талабгорлардан аризаларни қабул қилиш аукцион савдоси бошланишидан бир кун олдин соат 10.00 да тўхтатилади. Аукцион савдоси Тошкент шаҳри, Истиқбол кўчаси, 15-уйда ўтказилади.

Савдода қатнашиш истагидаги талабгорлар мулк бошланғич баҳосининг ўн фоизидан кам бўлмаган миқдордаги закалат пулини «Universal Auktsion invest» МЧЖнинг ХОАТБ «Infinbank», МФО: 01041, СТИР: 302083379, 20208000304932168001 ҳисоб рақамига тўлашлари ва қуйида кўрсатилган ҳужжатларни топширишлари керак: аукцион савдосида қатнашиш учун юридик шахслардан давлат рўйхатидан ўтказилганлиги тўғрисидаги гувоҳнома нусхаси, агар ваколатли шахс қатнашса, ўрнатилган тартибда расмийлаштирилган ишончнома, унинг шахсини тасдиқлайдиган ҳужжат илова қилинган ҳолда, жисмоний шахслардан паспорт нусхаси, закалат пули тўлаганлиги ҳақида тўлов ҳужжати. Тўлов ҳужжатида ижро ҳужжати рақами ва санаси кўрсатилган бўлиши шарт. Ихтиёрий қўшимча хизматлар кўрсатиш учун тўлов олинади.

37R/870

**Қўшимча маълумот олиш манзили: Тошкент шаҳри, Ҳамза тумани, Истиқбол кўчаси, 15-уй.**
**Телефон: (8-371) 236-74-67.**
**Гувоҳнома № 004059.**

## «KO'CHMAS MULK SAVDO XIZMATI» МЧЖ

***бошланғич баҳоси босқичма-босқич ошиб бориш тартибида ўтказиладиган очиқ аукцион савдосига таклиф этади.***

Аукцион савдосига Юқори Чирчиқ тумани СИБ томонидан ФИБ Чирчиқ туманлараро судининг 2012 йил 19 мартдаги ижро варақасига асосан хатланган, Юқори Чирчиқ тумани, «Суранкент» ҚФЙ, Аҳмад Яссавий номидаги маҳалла, Буюк Ипак йўли кўчасида жойлашган, умумий майдони 0,0140 гектар, қурилиш ости майдони 140,22 кв.м. бўлган пайпоқ тўқиш кичик корхонаси ва 20 та пайпоқ тўқиш ускунаси қўйилмоқда.

***Бошланғич баҳоси — 156 250 000 сўм.***

***Аукцион савдоси 2013 йил 28 январь куни соат 11.00 да бўлиб ўтади.***

Савдога қўйилган кўчмас мулклар билан тегишли суд ижрочилари бўлими вакили иштирокида бевосита жойига чиқиб танишиш мумкин. Аукцион савдосида иштирок этиш истагидаги талабгорлардан аризалар иш кунлари соат 10.00 дан 16.00 гача қабул қилинади (соат 13.00 дан 14.00 гача тушлик вақти). Аризаларни қабул қилишнинг охирги муддати — 2013 йил 25 январь куни соат 18.00.

Аукцион савдосида қатнашиш истагидаги талабгорлар савдо ташкилотчиси билан тузиладиган закалат келишувига асосан, мулк бошланғич баҳосининг 10 фоизидан кам бўлмаган миқдордаги закалат пулини тўлов ҳужжатида ижро ҳужжати рақами ва санасини кўрсатган ҳолда, «KO'CHMAS MULK SAVDO XIZMATI» МЧЖнинг ОАИТБ «Ипак йўли» банки «Сағбон» филиалидаги қуйидаги ҳисоб рақамига тўлашлари шарт: 20208000904920609114, МФО: 01036, СТИР: 207122519.

**Аукцион савдоси ўтказиладиган манзил: Тошкент ш., Олмазор тумани, 1-Қорақамиш к., 1-«А» уй.**
**Тел.: (8-371) 228-79-52. Расмий сайтимиз: www.1kms.uz**

24R/1441

*Лицензия: RR-0001.*

## ЯНГИ ЙИЛГА ЯНГИ УЙ-ЖОЙ БИЛАН!

*Сотиб олиш йўли билан ва ипотекага.*




**Замонавий услубда, пишиқ ғиштдан қурилган, тўрт қаватли бинода 3 (67 м²) ва 2 (58 м²) хонали уй-жойлар.**

**Манзил: Тошкент вилояти, Қибрай тумани, Май қўрғони.**
**Барча коммуникациялар мавжуд (иссиқлик таъминоти, иссиқ ва совуқ сув, электр, газ).**
**Телефонлар: (+99890) 929-00-70, 973-39-86.**
**Тел./факс: (+99871) 120-07-21, 120-07-23.**

**Мурожаат учун манзил:**
**Тошкент шаҳри, Сўғалли ота кўчаси, 3-уй.**

28A/1437

## САНОАТ КОРХОНАСИ

**бош энергетикнинг биринчи ўринбосари**
**лавозимига ишга қабул қилиш учун танлов эълон қилади.**

**НОМЗОДГА ҚЎЙИЛАДИГАН ТАЛАБЛАР:**

- **соҳа бўйича олий маълумотга, муҳандис-техник ва раҳбар лавозимларида 5 йилдан кам бўлмаган меҳнат стажига эга бўлиш**
- **хавфсизлик гуруҳи 5-даражадан паст бўлмаслиги**
- **Тошкент шаҳрида доимий яшаш учун рўйхатдан ўтган бўлиши лозим.**

***Иш ҳақи — суҳбат натижасидан кейин белгиланади.***
***Келажакда лавозимда ўсиш имкониятлари мавжуд.***

**Шунингдек,**

**юқори малакали электриклар ҳамда назорат ўлчов асбоблари ва автоматика бўйича (КИП ва А) созловчи-ишга туширувчилар**

**ишга қабул қилинади.**

***Иш ҳақи ўз вақтида тўланади. Ходимлар бепул овқат ва транспорт билан таъминланадилар. Тошкент вилоятининг Чимён тоғли ҳудудида болалар соғломлаштириш оромгоҳи мавжуд.***

**МУЛОҚОТ УЧУН ТЕЛЕФОНЛАР: (8-371) 241-10-81, (+99890) 929-55-97.**

30R/1346

## ОБ-ҲАВО

**(9 январь)**



| Ҳудуд | Кечаси | Кундузи |
|---|---|---|
| Қорақалпоғистон Республикасида | -5 -10 | +2 +7 |
| Хоразм вилоятида | 0 -5 | +7 +12 |
| Бухоро ва Навоий вилоятларида | 0 -5 | +8 +13 |
| Тошкент, Самарқанд, Жиззах ҳамда Сирдарё вилоятларида | 0 -5 | +5 +10 |
| Қашқадарё ва Сурхондарё вилоятларида | +2 +7 | +11 +16 |
| Андижон, Наманган ҳамда Фарғона вилоятларида | -4 -9 | +2 +7 |
| Тошкент шаҳрида | 0 | +10 +12 |

Ўзбекистон Республикаси Президенти Девони жамоаси кекса ходим

**Қаландар Тоирович ТОИРОВнинг**

вафот этганлигини чуқур қайғу билан маълум қилиб, марҳумнинг оила аъзолари ва яқинларига ҳамдардлик изҳор этади.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасининг Девони жамоаси масъул ходим Б. Х. Жўраевга отаси

**ХАТИФ отанинг**

вафот этганлиги муносабати билан ҳамдардлик изҳор этади.

Тошкент педиатрия тиббиёт институти ректорати ва меҳнат жамоаси Фтизиатрия кафедраси катта ассистенти

**Бахшилло Султонович БОБОЕВнинг**

вафоти муносабати билан марҳумнинг оила аъзоларига чуқур таъзия изҳор этади.

Тошкент фармацевтика институти жамоаси Ижтимоий фанлар кафедраси мудири Камолиддин Исмоиловга волидаи муҳтарамаси

**УЛУҒБИБИ аянинг**

вафоти муносабати билан чуқур ҳамдардлик билдиради.

# Тиббиётимизнинг юксак самаралари

## халқаро миқёсда ҳам юқори баҳоланмоқда



(Давоми. Бошланиши 1-бетда).

Бу ҳақиқатни бугун тиббиёт мутахассислари кенг жамоатчилик орасида кўп бор қайд этишмоқда. Масалан, кардиолог шифокорларнинг айтишича, биргина туғма юрак пороги онанинг ҳомиладорлик пайтида оддийгина грипп билан оғриши, тўғрироғи, шамоллаш асоратларини ўз вақтида бартараф этмаслиги оқибатида келиб чиқиши эҳтимоли кучли экан. Болаликда ревматизм (бод касаллиги)га чалинганларда эса миокард инфаркти, орттирилган юрак пороги каби хасталиклар хавфи мавжуд бўлади. Шунингдек, 40 ёшдан ошган ва артериал қон босими юқори бўлганлар юрак-қон томир хасталиклари келиб чиқишининг олдини олиш учун кардиолог, терапевт ва невропатолог мутахассислар кўригидан ўтиб туриши мақсадга мувофиқдир. Акс ҳолда, беморга жарроҳлик ёрдами ўта зарур бўлган пайтда кечикиб қолиш ҳеч гап эмас...

— Бугун одамларнинг дунёқараши, ҳаётга муносабати кундан-кунга ўзгариб бормоқда, — дейди бу борада ўз фикрини билдирар экан Шерзод Алиев. — Ҳозир аксарият кишилар саломатлиги бир оз безовта қилдими, дарҳол шифокорга мурожаат этиб, зарур тиббий тавсияларни олмоқда. Шунга яраша биз, мутахассислар ҳам келажак авлоднинг соғлом ва баркамол бўлиб вояга етиши йўлида баҳолиқудрат меҳнат қилаяпмиз. Бугунги кунда юрак пороги билан туғилган болаларни даволашда эришилаётган ютуқларнинг асосий омили ҳам шу, аслида. Негаки, марказимиз мутахассислари республикамиздаги барча туғуруқ муассасалари ҳамда шифо масканларининг неонатал бўлимлари билан доимий алоқада иш олиб боришмоқда. Асосий мақсад — туғма юрак порогини эрта аниқлаш ва уни кечиктирмай даволашга эришишдир. Бунинг учун Кардиожарроҳлик мажмуида барча шарт-шароит муҳайё қилинган.

Эътиборлиси, бугун марказ мутахассисларининг тажриба ва малакасини ошириш борасида кўплаб ибратли чора-тадбирлар амалга оширилмоқда. Кардиожарроҳлик мажмуи мутахассислари МДҲ мамлакатлари ҳамда АҚШ, Германия, Жанубий Корея, Италия, Франция каби давлатлардаги ҳамкасблари билан ҳамкорликда жарроҳлик амалиётларини ўтказиш, илмий тадқиқотлар олиб бориш бўйича ўзаро тажриба алмашмоқдалар. Бу каби изчил халқаро ҳамкорлик алоқалари юрак-қон томир тизими патологияларига тезкор равишда аниқ ташхис қўйиш ва хасталикларни самарали даволашда беқиёс аҳамият касб этаётир.

**Муборак ОХУНОВА,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**

Ҳасан ПАЙДОЕВ олган суратлар.

# Спорт

***Халқаро шахмат федерацияси (ФИДЕ) энг кучли гроссмейстерларнинг рейтингини эълон қилди.***



## Гроссмейстерларимиз кучлилар рўйхатида

Унда ҳамюртимиз, 2004 йилги жаҳон чемпиони Рустам Қосимжонов 2709 очко жамғарган ҳолда, 33-поғонадан жой олди. Эътиборлиси, спортчимиз рейтингдаги олдинги мавқеидан ўн етти ўрин юқорига кўтарилган. Бу Рустамнинг кучли шахматчилар жадвалидаги энг яхши кўрсаткичи ҳисобланади.

Қосимжоновнинг бундай эътирофга сазовор бўлишида ўтган йили пойтахтимизда ташкил этилган ФИДЕ Гран-присининг иккинчи босқичидаги муваффақиятли иштироки муҳим аҳамият касб этди. Хабарингиз бор, гроссмейстеримиз ушбу нуфузли мусобақада мағлубиятга учрамаган ягона шахматчи бўлган эди.

Яна бир ватандошимиз Антон Филиппов ФИДЕ рейтингида 2652 очко билан 95-поғонани банд этган. У ҳам олдинги ўрнидан тўрт поғона юқорилаган.

Бундан ташқари, истеъдодли ёш шахматчимиз Сарвиноз Қурбонбоева илк маротаба 20 ёшгача бўлган энг кучли шахматчи қизлар рўйхатига киритилган.

## Ўзбекистон ФИФАнинг нуфузли соврини билан тақдирланди

(Давоми. Бошланиши 1-бетда).

Шунингдек, тантанали тадбирда йилнинг энг яхши футболчисига топшириладиган "Олтин тўп" соҳиби номи ҳам маълум бўлди. Унга Аргентина терма жамоаси ва Испаниянинг "Барселона" клуби ҳужумчиси Лионель Месси лойиқ, деб топилди. Шу тариқа у жаҳон футболи тарихида мазкур мукофотга энг кўп (тўрт карра) эгалик қилган биринчи "чарм тўп" устасига айланди.

Йилнинг "Энг яхши аёл футболчиси" дея АҚШ аёллар терма жамоаси ярим ҳимоячиси Эбби Вамбах эълон қилинди.

Ўтган йилги Европа чемпионатида Испания терма жамоасини ғолибликка олиб чиққан мутахассис Висенте дель Боске "Энг яхши мураббий" бўлди. Аёл мураббийлар учун бериладиган худди шундай номинация соврини эса АҚШ аёллар терма жамоаси устози Пиа Сундхаге(Швеция)га тақдим этилди.

Ўтган йилда киритилган "Энг чиройли гол" муаллифига аталган Франц Пушкаш номидаги мукофот Мирослав Стох(Словакия)га насиб этди.

ФИФА президентининг махсус мукофоти билан Германия футболининг номдор вакили Франц Беккенбауэр тақдирланди.

Тадбирда 2012 йилнинг рамзий терма жамоаси ҳам эълон қилинди. Унинг таркибидан Икер Касильяс (дарвозабон), Марсело, Серхио Рамос, Херард Пике, Даниэл Алвес (ҳимоячилар), Хаби Алонсо, Андрес Иньеста, Хави (ярим ҳимоячилар), Криштиану Роналду, Лионель Месси ва Радамель Фалькао (ҳужумчилар) жой олди. Эътиборга молик жиҳати, бу футболчиларнинг ҳаммаси Испания чемпионатида тўп суради.

## Энг яхши тўпурарлар

***Халқаро футбол тарихи ва статистикаси федерацияси (IFFHS) миллий чемпионатларда футболчилик фаолиятини давом эттираётган ва икки юздан кўп гол урган "чарм тўп" усталари рўйхатини эълон қилди.***

Унга киритилган 19 футболчидан уч нафари ҳамюртимиз ҳисобланади. Жумладан, ўтган мавсумни "Навбаҳор" клуби таркибида ўтказган Жаъфар Ирисметов жаҳон тўпурарлари рейтингининг саккизинчи поғонасидан жой олган. Фаолияти давомида мамлакатимиздан ташқари, Греция, Россия, Украина, Беларусь, Хитой каби давлатлар чемпионатларида тўп сурган ҳужумчимиз 441 бор майдонга тушиб, рақиблар дарвозасига 240 та гол киритган.

Фарғонанинг "Нефтчи" жамоаси шарафини ҳимоя қилаётган Анвар Бердиев якунланган мавсумда 19 та гол билан Ўзбекистон чемпионати тўпурарлари баҳсида ғолиб чиққан эди. Шу тариқа Анварнинг урган голлари 205 тага етди ва у ҳам мазкур рўйхатга киритилди. Бердиев 433 учрашувда ана шу натижани қайд этган.



IFFHS рейтингидан жой олган яна бир футболчимиз Зафар Холмуродов ҳисобида эса икки юзта гол бор. У ўз голларини 379 ўйинда рақиблар дарвозасига киритган.

Айтиш керакки, мазкур рўйхатга бошқа бирор мамлакатдан уч нафар футболчи кира олмаган.

**Фазлиддин АБИЛОВ тайёрлади.**

## Қисқа сатрларда

● Бухорода вилоят ҳокимлиги, "Камолот" ёшлар ижтимоий ҳаракати вилоят Кенгаши ҳамда бир қатор ташкилотлар ҳамкорлигида "Биз Ватаннинг мустаҳкам ҳимоячисимиз!" мавзуида ёшлар фестивали бўлиб ўтди. Ҳарбийларнинг фарзандлари учун ташкил этилган ушбу тадбирда шаҳарнинг диққатга сазовор жойларига сайр уюштирилди, вилоят мусиқали драма театрида ҳарбийлар ҳаётига оид саҳна асари намойиш қилинди.

● **Наманган вилоятида 14 январь — Ватан ҳимоячилари куни муносабати билан ҳарбийлар, таниқли шоир ва ёзувчилар, санъаткорлар ҳамда ёшлар иштирокида "Ватан ҳимояси — муқаддас бурч" мавзуида маънавий-маданий тадбир ўтказилди. Унда Ватан ҳимоячиси бўлишдек олижаноб ишга отланиб, Қуролли Кучларимиз сафида фидокорона хизмат қилаётган мард, жасур ўғлонларни вояга етказган ота-оналарга миннатдорлик билдирилди.**

● Конимех туманида 2012 йилда тиббиёт бирлашмаси тасарруфидаги биноларни мукаммал таъмирлаш ҳамда янги диагностика маркази қурилиши учун 3,5 миллиард сўмдан зиёд маблағ сарфланди. Хусусан, тумандаги кўп тармоқли поликлиника биноси ҳам бунёд этилиб, энг илғор тиббий ускуналар билан жиҳозланди.

**«Халқ сўзи» ва ЎзА мухбирлари хабарлари асосида тайёрланди.**


Реклама ўрнида



***Ёғингарчилик кунлари бошланиши билан кўп қаватли уйларда истиқомат қилувчилар, айниқса, юқори қаватда турувчилар "Томдан чакка ўтмасмикан?" деган ҳадикда бўладилар. Кейинги пайтларда юртимизда ишлаб чиқарилаётган томёпқич маҳсулотларидан кенг фойдаланилаётгани туфайли бу муаммо ўз ечимини топаяпти.***

## «Kashif — Izolux»: Сифатли, чидамли, ишончли

Дарҳақиқат, ҳозирги кунда қурилиш материаллари бозорида нафақат хорижда, балки юртимизда тайёрланган бундай замонавий маҳсулотлар кенг таклиф этилмоқда. Улар орасида рулонли томёпқич материаллари юқори сифати билан ажралиб туради. Пойтахтимиздаги "Silk Road Ceramic" қўшма корхонасининг шу турдаги маҳсулотлари бунга яққол мисол бўла олади.

Гап шундаки, замонавий қурилиш материаллари тайёрлашни ўзлаштириш борасида тинмай изланаётган ушбу корхона жамоаси полимер-битум композицияли "Kashif – Izolux" намдан ҳимояловчи томёпқич материаллари ишлаб чиқаришни йўлга қўйди. У хориж технологияси асосида маҳаллий хом ашёдан тайёрланаётгани, айниқса, қувонарлидир.

**Ўзбекистонда ишлаб чиқарилган**

Ушбу янги маҳсулот бино ва иншоотларни ёғингарчилик, намгарчилик, сувдан ҳимоялашга мўлжалланган бўлиб, лаборатория текшируви хулосалари натижаси ҳам буни тасдиқлади. Яъни беш қатламдан иборат рулонли "Kashif – Izolux" сифатли, ишончли ва чидамлилиги билан харидорлар ишончини қозонмоқда.

"Kashif – Izolux"нинг асоси эластиклик хусусиятга эга материалдан тайёрланиб, иккала томонининг сирти битумли қоплама билан ҳимоялангани туфайли ҳар қандай об-ҳаво шароитида ҳам ёрилмайди. Маҳсулотнинг монтаж ишлари ҳам анчайин қулай. Яъни илгари қурилишда қўлланилган картон қоғозли рубероид материаллари монтажидан фарқли ўлароқ, битумни эритиб эмас, балки табиий пропан газ ёрдамида бевосита маҳсулотга аланга йўналтирилиб, монтаж қилинади. Бу жараёнда остки ҳимоя қатламига юборилган аланга туфайли логотипли плёнканинг эриб кетганлиги, гўё термоиндикатор вазифасини бажариб, унинг монтаж қилинадиган сиртига ёпиштиришга тайёрлигидан далолат беради. Плёнка ҳолати эса материалнинг ҳаддан зиёд эриб кетганидан ёки аксинча, умуман эримаганидан фарқланишини кўрсатади.

"Kashif – Izolux"дан пойдеворлар изоляцияси, ертўлалар, вентиляцион шахталар, ҳовузлар, шунингдек, кўприк ва туннеллар қуриш ҳамда таъмирлаш ишларида кенг миқёсда фойдаланилади. Бундан ташқари, у турли русумдаги автоуловларнинг кузов қисмларини шовқинсизлантиришда ҳам қўл келади.

Айни пайтда "Silk Road Ceramic" қўшма корхонасида йилига 600 минг рулондан зиёд тайёр маҳсулот ишлаб чиқариш имконияти мавжуд. Бунинг учун намдан ҳимояловчи ва гидроизоляция хусусиятига эга маҳаллий хом ашёлар ишлатилади.

Шу ўринда айтиш жоизки, ушбу полимер-битум композицияси ва арматура вазифасини бажарувчи сунъий толалар асосида тайёрланган ҳимояловчи материалларнинг юмшаш ҳарорати 85 даражага тенг. Бу унинг ташқи иссиқлик таъсирига бардошлилигини кўрсатади. Қолаверса, материал 10 даража совуқда ҳам эгилувчанлик хусусиятини йўқотмаслиги боис, у ташқи куч таъсирида деформацияланса-да, ёриқлар вужудга келмайди.

Икки томонлама маълум кимёвий қўшимчалар билан модификацияланган ушбу материалнинг 2 мм. қалинликдагиси сув ҳавзаларида, бассейнларнинг ички қисмини ва пойдеворларни, газ ҳамда сув қувурларини гидроизоляция қилиш мақсадида ишлатилса, 3 ва 4 мм. қалинликдагиси юзаси текис темир-бетон томларни қоплашда қўлланилади. Улардан фойдаланиш муддати 15 йилдан кам эмаслиги диққатга сазовор.

Яқин келажакда корхонада полимер-битум композицияси асосида янги турдаги рангли том қопламалари ишлаб чиқариш режалаштирилган. Бундай намдан ҳимояловчи материаллар томларга ўзгача безак бериш билан бирга, харидорнинг танлаш имкониятини ҳам оширади.



Маҳаллий хом ашёлардан халқаро стандартларга тўла жавоб берадиган бундай маҳсулотларни ишлаб чиқариш ўзлаштирилиши мамлакатимизда тадбиркорлик ҳаракати қўллаб-қувватланиб, чет эллик ишбилармонларга қулай шарт-шароит яратиб берилгани самарасидир. Бу, ўз навбатида, ички бозорни импорт ўрнини босувчи ва экспортбоп маҳсулотлар билан тўлдиришга, пировардида эса иқтисодиётимиз равнақига муносиб ҳисса бўлиб қўшилмоқда.

**Маъсуда ЁҚУБОВА.**


## Ўзбекистон Республикаси Марказий банки ахбороти

*Ўзбекистон Республикаси Марказий банки 2013 йил 8 январдан бошлаб валюта операциялари бўйича бухгалтерия ҳисоби, статистик ва бошқа ҳисоботларни юритиш, шунингдек, божхона ва бошқа мажбурий тўловлари учун хорижий валюталарнинг сўмга нисбатан қуйидаги қийматини белгилади:*)*

| | | | |
|---|---|---|---|
| 1 Австралия доллари | 2080,06 | 1 Россия рубли | 65,37 |
| 1 Англия фунт стерлинги | 3186,21 | 1 Украина гривнаси | 248,41 |
| 1 Дания кронаси | 347,55 | 1 Малайзия ринггити | 652,71 |
| 1 БАА дирҳами | 540,58 | 1 Польша злотийси | 629,57 |
| 1 АҚШ доллари | 1985,55 | 1 СДР | 3027,75 |
| 1 Миср фунти | 308,08 | 1 Туркия лираси | 1113,60 |
| 1 Исландия кронаси | 15,37 | 1 Швейцария франки | 2144,69 |
| 1 Канада доллари | 2011,91 | 1 евро | 2607,13 |
| 1 Хитой юани | 318,81 | 10 Жанубий Корея вони | 18,67 |
| | | 10 Япония иенаси | 225,37 |

**) Валюта қийматини белгилаш тоғрида Ўзбекистон Республикаси Марказий банки мазкур валюталарни ушбу қийматда сотиш ёки сотиб олиш мажбуриятини олмаган.*





ООО «GST OIL» — официальный дистрибьютор в Узбекистане

Адрес: г. Ташкент, Хамзинский р-н, ул. Иссик сув, 118.
Телефоны: (+99898) 123-48-30, 269-29-62. Факс 269-29-60.
E-mail: gsthyundai@gmail.com
Web site: www.hhi.uz

ТОВАР СЕРТИФИЦИРОВАН 29R/320

Эълонлар

ЎЗБЕКИСТОН ДАВЛАТ КОНСЕРВАТОРИЯСИ

*ўз ошхона ва буфетларида 2013 йилда соғлом овқатланиш тизимини ташкил этиш мақсадида умумий овқатланиш фаолияти билан шуғулланувчи корхоналар ўртасида*

**ТЕНДЕР ЭЪЛОН ҚИЛАДИ.**

Маълумот учун телефон: (8-371) 244-95-12. 16R/1479



Халқ сўзи
Народное слово

МУАССИСЛАР:
Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси Кенгаши, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати Кенгаши ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси

Бош муҳаррир Ўткир РАҲМАТОВ

2008 йил 15 январда Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида 0001-рақам билан рўйхатга олинган. Нашр индекси — 229. Буюртма Г — 154. 130 879 нусхада босилди, ҳажми — 2 табоқ. Офсет усулида босилган. Қоғоз бичими А—2. Баҳоси келишилган нархда.

ISSN 2010-8788

ТЕЛЕФОНЛАР:
Девонхона 233-52-55;
Котибият 233-10-28; Эълонлар 232-11-15.

Таҳририятга келган қўлёзмалар тақриз қилинмайди ва муаллифга қайтарилмайди.
Реклама материаллари учун таҳририят жавобгар эмас.

Газета таҳририят компьютер марказида терилди ҳамда оператор Ж. Тоғаев томонидан саҳифаланди.

МАНЗИЛИМИЗ: 100000, Тошкент шаҳри, Матбуотчилар кўчаси, 32-уй.
Навбатчи котиб — Ю. Ҳамидов.
Навбатчи муҳаррир — И. Ўтбосаров.
Навбатчи — З. Худойшукуров.
Мусаҳҳиҳ — С. Исломов.

«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонаси. Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41. ЎзА якуни — 22.30 Топширилди — 22.30 1 2 3 4 5